

Сожида ҚЎЧҚОРОВА

# БОҒИ ЭРАМ

*Шеърлар*

Тошкент  
“Muharrir” нашриёти  
2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7 - *Ўзгараб*

Қ-97

Қ-97 Боғи Эрам / Муаллиф: Сожида Қўчқорова. - Т.: "Muharrir",  
нашриёти, 2013 йил, 28 бет.


ISBN 978-9943-25-266-0

Сожида Қўчқорованинг шеърларини ўқир экансиз, ўз қалбидаги  
- Боғи Эрамдан саралаб олинган гуллар, яъни ашъорлари сизнинг  
ҳам қалбингизга муаттар ҳид – шодлик бахш этади.

«Боғи Эрам» муаллифнинг илк китобидир. Ўйлаймизки, уни ўқиб  
чиққач, бир олам завқу шавқ ва ҳикмат оласиз.

УЎК:821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7



ISBN 978-9943-25-266-0

С. Қўчқорова

© "Muharrir" нашриёти,

Тошкент, 2013



## ЮРАГИМ - БАТАН

Юртим адирларин танҳо кезган чоғ,  
Кўнглимда бир туғён жўш урар ногоҳ.  
Бошимда ярақлар улкан бир паноҳ,  
Сен менинг керагимсан, юрагим - Ватан!

Бағрингда улғайди кўп улуг зотлар,  
Улуғбек, Хоразмий, ҳатто Бобурлар.  
Сенга кўз тиколмас асло ғанимлар,  
Сен менинг керагимсан, юрагим - Ватан!

Кўксингда Широқдек мардларинг бордир,  
Юртини асраш-чун ҳар ишга қодир.  
Бир эмас, мингта жон сенга фидодир,  
Сен менинг керагимсан, юрагим - Ватан!

Бағрингда улғайдим - бу менинг бахтим,  
Корингга ярамоқ - фарзандлик аҳдим.  
Ватан, сенга ҳадядир қалбда тилагим,  
Сен менинг керагимсан, юрагим - Ватан!

Ватан, тафтингни ҳис қилдим онам сутида,  
Садоқатни туйдим устоз каломида.  
Отамнинг кўзида кўрдим Ватанни,  
Сен менинг керагимсан, юрагим - Ватан!

Мадҳингни куйлайман, борки танда жон,  
Сен ўзинг ҳамиша меҳрга макон.  
Аллоҳга шукрим, юртим тинч-омон,  
Сен менинг керагимсан, юрагим - Ватан!



## ОНА МАДҲИ

Қалбим сўзларини битмоқ истадим,  
Аммо ожиз эрур менинг қаламим.  
Меҳримни қўшиб мен битмоқ истадим,  
Бир калом тополмас ожиз тилларим.

Қиёслай дунёнинг қай устунига,  
Устун ҳам ғарибдир тафтинг олдида.  
Қуёшга тенглағум меҳринг тафтини,  
Қуёш ҳам ожиздир меҳринг олдида.

Яратди Аллоҳим гўзал чеҳрангни,  
Ҳаттоки ойлар ҳам рашкдан мўралар,  
Қошингда таъзимда парилар бари,  
Отамнинг ёлғизи, пари пайкари.

Оқ сутинг ҳаққини адо қилолмам,  
Опичлаб Каъбага элтиб келсам ҳам.  
Бир кунлик аллангнинг ҳаққин узолмам,  
Етти бор дунёга қайта келсам ҳам.



## БУВИЖОН

*(Норбиби онамга)*

Тўй ила базмлар сиз ила гўзал,  
Ўқийсиз ҳали ҳам шеърлару ғазал.  
Дуолар қиласиз бошимиз силаб,  
Бизларга бахт ила саодат тилаб.

Мағзи ширин, дерлар, данагидан ҳам,  
Бу гапда жон бордир ҳақиқатдан ҳам.  
Меҳрингиз чашмидан сув ичсак қониб,  
Ўгитингиз қалбда туради ёниб.

Умрингиз бўлсин, деб, асрларга тенг,  
Қалбингиз мисоли дарёлардек кенг.  
Берган ўгитингиз, қилган дуонгиз,  
Яшайверар барқ уриб асрлардан сўнг.



## УСТОЗ

Қўлимга илк бора қалам тутқазиб,  
Дунё мўъжизасин берган устозим.  
Илм-ла тафаккур, зеҳни бериб,  
Меҳр булоғида сузган устозим.

Сиз ила танидим дунёларни мен,  
Буюк мақсад ила олға юраман.  
Юртим мадҳиясин оламга ёйиб,  
Сизга мен муносиб шогирд бўламан!



## МУҲАББАТ

Сўрамасдан юрагимни эгалладинг сен,  
Забт этдинг кўнглимнинг нозик торларин.  
Ишонгум офтобнинг чиқишига мен,  
Аммо ишонмасман қайта келишинг,  
Муҳаббатим, сенинг асло қиёсинг ҳеч йўқ!

Кўкда парвоз этаётган гўзал кабутар,  
Йироқларда учишинг ўхшайди унга.  
Тўлин ой жамолинг кўраман ҳар тун,  
Қиёслагим келар, гўзал муҳаббат, сенга,  
Муҳаббатим, сенинг асло қиёсинг ҳеч йўқ!

Ёмғирли бўронларда офтобни кутиб,  
Умид учқунлари ёнмоқда тутаб.  
Гўзал мажнунтолнинг соясин тутиб,  
Шеър дoston ёздим мадҳингни битиб,  
Муҳаббатим, сенинг асло қиёсинг ҳеч йўқ!



## ТОНГ

Сокин елиб уфқнинг нафаси,  
Кўринади булут ортидан.  
Уйғонмоқда замин курраси,  
Эзгуликнинг соф дурдонаси.

Уялганча ҳарир рўмолин,  
Аста ечиб мўралар гўё.  
Жимжитликдан нишона ҳам йўқ,  
Зулмат ортда қолгандек гўё.

Тонгда сочиб ҳилол гавҳарин,  
Секин сочар қуёш зарларин.  
Ёришади олам чиройи,  
Капалакда шодлик хиргойи.

Шивирлайди шамол еллари,  
Пичирлайди гулнинг барглари.  
Ҳар бир гиёҳ сўйлайди аста,  
Давосини топгандек хаста.

Шаббоданинг куйи бор гўё,  
Майсаларнинг тили бор гўё.  
Юзларимни силайди шудринг,  
Табиатнинг шаффоф туҳфаси.

Етти оламини ҳам ларзага солиб,  
Замин куррасида уйғонмоқда тонг !





## ҚАЙТАР ДУНЁ

Отанинг ноласи тутар дунёни,  
Кўзда ёш, нидоси бузар дунёни.  
- Ғам кетмас бир кун ҳам, тўйдим ҳаётдан,  
Топмадим давосин мен чеккан дарднинг.

На ҳурмат, на иззат топдим боламдан,  
На тинчлик, на бойлик топдим оламдан.  
Бир парча қотган нон кўрмади раво,  
Ўзимдан чиқди дард, қайда бор даво?

Бунча ҳам омадсиз, бахти қароман,  
Меҳрга зор, ташна, кўнгли яроман.  
Унга жавоб қилди авлиё бир зот:  
- Дуосин олганмисан онангинг, ҳайҳот?

- Олганман дуои бадин, мен нодон,  
Қўл кўтарган эдим онамга ул он.  
- Билгинки, фарзандинг - сенинг қотилинг,  
Тақдири азалдир, бу - қайтар дунё!



## РАШК НЕ ДАРКОР?

Ўзга ёрга боқмасман,  
Ўзга боғга кирмасман.  
Абад сени деганман,  
Рашк не даркор бизга, ёр?!

Ерда ётса бир тикан,  
Асло уни босмасман.  
Ўзгадан бол ичгунча,  
Тўйиб заҳар ютгайман.

## ТЎРТЛИКЛАР

Кўриб лол қоламан, ҳайрат-ла боқиб,  
Уфқда табиатнинг нур жилосини.  
Шафақлар кўксимни куйдирар ёқиб,  
Тополмам бу ишқнинг иқтибосини.

\* \* \*

Қанча асрларни бағрига босиб,  
Чанг-тўзон, тўфонни босган мажнунтол.  
Қанча ғам-дардларни ўзига ютиб,  
Бизнинг илк аҳдимизга гувоҳ мажнунтол.

\* \* \*

Мусофир юрт кўрмай, етмас қадрига,  
Ошиқлар дард чекмай, етмас тахтига.  
Кексалик заҳматин чекмасдан туриб,  
Одамзот етмайди, ёшлик қадрига.



## ЙИҒЛАМА, АЁЛ


Майин елкасида шаббода эсиб,  
Дунё юкларини кўтарган аёл!  
Дунёнинг барча ғам-ғуссаларини,  
Сабр-бардош ила ютган, эй аёл!  
Барча кулфату ранж ёғса бошингга,  
Матонатли бўл, асло йиғлама, аёл!

Отсалар ёмонлар маломат тошин,  
Пиширса сенга деб туҳматлар ошин.  
Ўкинма асло сен ожиз қолган чоғ,  
Билгилки, ёмонлар ейди ўз бошин!  
Ҳатто сел ёғса ҳам нурли бошингга,  
Матонатли бўл, асло йиғлама, аёл!

Бир парча этни деб ўтса ёш бошинг,  
Нурларин сочмасдан ботса қуёшинг.  
Кўксингга тош отса жигари поранг,  
Даво йўқ ўзингдан чиққан бу дардга.  
Юзлангин Ҳақ йўлни берган Эгамга,  
Матонатли бўл, асло йиғлама, аёл!

Хиёнатдан сенинг бошларинг эгик,  
Ишонган тоғинг-қу ёзган бу битик.  
Чин вафо излаб сен жафо топасан,  
Меҳр изласанг гар, қаҳр топасан.  
Бу дунё шундайин қаҳрли дунё,  
Матонатли бўл, асло йиғлама, аёл!

Ғам-ташвишдан сенинг сочларингга оқ,  
Хиралашиб қолган кўзларинг маъюс.  
Ажинлар мўралар сокин юзингга,  
Асло ўкинмагин, чекинма бироқ.  
Ҳаётнинг бу каби синовларига,



## БАХТ

Дунёга келганда илк бор ҳар гўдак,  
Унсиз садо берар қувончдан юрак.  
Севинчининг чек-поёни йўқ,  
Мана шу-ку она учун бахт!

Ҳалоллик сувидан йўғрилса юрак,  
Қалбингда жўш урса эзгу бир тилак.  
Пок-нопок ишларни англамоқ керак,  
Мана шунинг ўзи катта бахт!

Шукрим, юртим тинч, осмоним сокин,  
Вафо-садоқатда бўлмаса ўкинч.  
Отангнинг ёнида юрганда онанг,  
Мана шу-ку ўзи улкан бахт!

Насиб айлаган-ку дунёни кўриш,  
Бизга ҳадя бўлган севилиб-суйиш.  
Инъом этилган-ку пок луқма ейиш,  
Мана шудир асли ўзи бахт!



## ҲАЁТ

Гўзал ҳаёт, беғубор ҳаёт,  
Бунча ширин хокисор ҳаёт!  
Йўлларинг минг чигал, аммо ҳикмат бор.  
Йўлин топганга толе кулар ёр.

Ҳаёт, синовларинг бунчалар бисёр,  
Гоҳида берасан қалбларга озор.  
Гоҳ шодлик, гоҳ ғамдан инъомларинг бор,  
Тунлари хаёллар сураман бедор.

Тун кетса, кетидан келар ёруғ кун,  
Ёз келар чанг-тўзон босилгандан сўнг.  
Яшаймиз ҳаётда орзулар учун,  
Бахт-иқбол ёр бўлсин, сизларга бу кун.



## ЁМОНЛИК НЕЧУН?

Йиқилсанг, баъзилар тош отиб қочар,  
Гар кулсанг, пинҳона наштарин сочар.  
Нега яхшиликка қайтмас яхшилик,  
Ёмонлик бор нега дунёда, айтинг?

Туғилмоқ бор экан, ўлмоқ-чи, нечун,  
Ёлғону фитналар, ғийбатлар нечун?  
Ўткинчи дунёда яшайлик кулиб,  
Севинчдан яйрайлик, йиғламоқ нечун?

Не сабаб ҳасрат бор севги дардида,  
Шафқат кўринмайди золим қаҳрида.  
Нега қаҳр келар меҳр ёнида,  
Омаду кулфатлар қўшалоқ, нега?!



## АРМОН БЎЛМАСА

Самодаги кабутар,  
Ёнингга олсанг бир дам,  
Учармидим ўзим ҳам!?

Бўронларда қолган барг,  
Куриб хазон дамларин,  
Сарғаярми юзим ҳам!?

Дардларимни куп ютиб,  
Ўоридингми дукиллаб,  
Яшармидим сенсиз ҳам!?

Ўаёт ўзи бир шуъла,  
Унда армон бўлмаса,  
Кулармиди кўзим ҳам!?



## ГУЛИСТОН

*(достон)*

Достонимда битдим, Гулистон  
Садоқати тилларда достон.  
Ҳаёт синовлари  
Қанчалар қийин.  
Мураккаб яралган  
Бу жумла жаҳон.  
Тақдирнинг битилган  
Ҳукми олдида.  
Ожизмиз, бандалар,  
Қочмоқлик гумон.  
Таърифига сўз ожиз,  
Қаламим ҳам лол.  
Битмоқлик истардим,  
Гувоҳ мажнунтол.  
Соддадил, гул юзли,  
Маъюс Гулистон.  
Ибоси, ҳаёси,  
Тилларда достон.  
Вафо-садоқатда  
Тенгсиз дунёда.  
Қалби кенг, виждонли  
Ўзбек аёли.  
Ҳар тонгда саҳарлаб  
Уфққа боқади.  
Нидоси оламини  
Тутгудек гўё.





Юрагида зўр юк,  
Дунё унга тор.  
Ўтганлар руҳлари  
Доим мададкор.  
Фарзандин бағрига  
Босганча маъюс.  
Худога сиғиниб,  
Сўйлайди чексиз.  
Умр тилаганча  
Суйган ёрига.  
Қайтишин кутади  
Интизор, унсиз.  
Мана бир йил бўлди  
Золим урушга.  
Афғон заминида  
Хатсиз, хабарсиз.  
Ўн гулидан бир гули  
Очилмаган ўғлонлар.  
Олис сафарларга  
Кетганлар номсиз.  
Номи ўчсин урушнинг,  
Фисқу фасод уруғин,  
Дунёда ин қуришнинг.  
Қанча-қанча мардларнинг  
Қони беҳуда оқди.  
Қанча-қанча ёвларнинг  
Бағрига олди замин.  
Фарзандлар бўлиб етим,  
Бундан фойда кўрди ким?  
Аёлларга тақилди  
Бева деган бу нишон.

17

|               |                                              |
|---------------|----------------------------------------------|
| 2014/1<br>A68 | Alisher Navoiy<br>nomidagi<br>O'zbekiston MK |
|---------------|----------------------------------------------|



Ажал деган махлуққа  
Берди улар зўр имкон.  
Элнинг тинчи йўқолди,  
Бошга қайғу, ғам солди.  
Учмас ҳеч бир кабутар,  
Кулмас ҳеч бир одамзод.  
Юрак-бағри қон бўлиб,  
Оналар ўғлин кутар.  
Даҳшат, ваҳимада,  
Зулмат бағрида.  
Ой-кунлар шу зайл,  
Армонда ўтар.  
Гулистон ҳар тонгда,  
Кутар ёрини,  
Нидоси оламини  
Тутгудек гўё.  
Ё фалак, садоқат  
Ноласини ол.  
Аҳдларига гувоҳ  
Мунис мажнунтол.  
Гоҳ яхши, гоҳ ёмон  
Келар хабарлар.  
Қўлсиз ё оёқсиз  
Келар кўп мардлар.  
Шунга-да шукрона  
Айтганча ёрлар.  
Дарёдек жўш урган  
Дилда туғёнлар.

\*\*\*

Бу кеча шум хабарни  
Олди кекса онахон.  
Ёлғиз ўфил доғида  
Солди фарёду фиғон.



Кун айланди зулматга,  
Туннинг адои чексиз.  
Зор-зор йиғлар онахон,  
Суйган жигар-дилбанди,  
Ўзга юртда берган жон.  
Сўнгги дамда кўрмади,  
Жигарини сулмади.  
Армон қолди қалбида,  
Дийдорига тўймади.  
Фарёд солар онахон,  
Қабрлар бўлиб макон.  
Она ерни бағирлаб,  
Нола қилар қаҳрлаб.  
- Нечук, фалак, ўғлимни  
Ўзга юртда ҳор қилдинг?  
Болагинам меҳрига  
Бунча мени зор қилдинг?  
Нега гўдаклигида  
Олмадинг сен бағрингга?  
Энди қандай ёраман  
Болагинам қабрига?  
Нега солим сен, фалак,  
Ҳайвонларга едирдинг.  
Болагинам қабрини  
Энди қайдан топарман?  
Дунёга келди-кетди,  
Йигирма ёшга етди.  
Гўшангага кирмади,  
Ёр васлини тўймади.



Битга фарзанд кўрмади,  
Келди-ю, изсиз кетди.  
Орзулар армон бўлди,  
Армонлар бисёр бўлди.  
Сенга керак бўлса жон,  
Олгин менинг жонимни.  
Эркакларга индама,  
Улар суяр ёрини.  
Яшашимдан маъно йўқ,  
Уруш тинса, кўнглим тўқ!  
Энди мени кутмайди,  
Остонада турмайди.  
Ҳеч кимим йўқ дунёда,  
Бу кулфатлар зиёда.  
Фарёд солар онахон,  
Титрайди еру осмон.

\*\*\*

Шу зайлда шум кунлар,  
Ўтар оғир ва залвор.  
Яна бир тонг кўринди,  
Узоқда бир солдатнинг  
Чўп таёқда келиши,  
Барча чопар - ёш-қари.  
Кимнинг дилбанди келяди?  
Аскар келар ногирон.  
Бир кўзи бўлиб сўқир.  
Беш ёшдаги фарзанди  
Чопиб борди ногаҳон.  
Танимади, минг афсус.  
Бу қандайин кўргулик,



Бу қандайин кулфатдир,  
Ёруғ дунё зулматдир.  
Ким нима деб уришди,  
Айтинг, нени бўлишди,  
Отасидан қолган зар,  
Катта молу дунёми,  
Бўлишолмасми инсон?  
Ахир, кенг эрур жаҳон,  
Сув ҳам мўл-ку дарёда.  
Қуёш нурын сочар-ку,  
Ёмғир бирдек қуяр-ку.  
Айтинг, нени бўлишди  
Афғон деган заминда?  
Айтинг, нега урушди  
Мардлар қони кўп оқди,  
Дўзахга олов ёқди.  
Кимга кулфат, кимга ғам  
Барчага бирдек боқди.

\*\*\*

Бу ҳолга лол Гулистон,  
Солди фарёду фиғон.  
Нола қилар тинмасдан,  
Кўз ёшини тиймасдан.  
Тақдир буюрди кулфат,  
Ҳеч кимга бермас шафқат.  
Ўтди яна икки йил,  
На хат бору на хабар.  
Қочоқми ё тирикми  
Ёки дарддан ўликми?  
Лек тинмайди кўз ёши,



Туғаб борар бардоши.  
Ўғли Ёдгор тинмайди,  
Сўрашини қўймайди.  
- Қачон келар ўз отам?  
Ҳадеб девор бўйлайди.  
- Нега менинг ўз отам  
Келавермас ҳар тунда?  
Нега, ана, Ботирнинг  
Отаси ўз ёнида?  
Нега менинг ўз отам,  
Келавермас шу тунда?  
Поездча олиб берди  
Отаси ўтган куни.  
Кеча мени миндирди  
Учқур тулпор отига.  
Қачон келар ўз отам?  
Менга ҳам олиб берсин!  
Поезд эмас, самолёт,  
Осмонда учар қанот.  
Мен отамни соғиндим,  
Айтинг, нега кўп кутдим?  
Бу жавобсиз саволлар  
Гулистонни қийнайди.  
Адо бўлган юрагин  
Яна минг бор тиглайди.  
Хархаша қилар гўдак,  
Ноласи худди ўтдек.  
- Мен отамни қўмсайман.



Келмаса, мен излайман.  
Мен отамни истайман.  
Аҳд қилади болакай,  
Шижоати бир талай.  
Ёрининг фироқида  
Куйиб битди Гулистон.  
Садоқати, вафоси  
Қолди тилларда дoston.

\*\*\*

Йил ўтди йил кетидан,  
Ёдгор ҳам қолди ёлғиз.  
Аммо юрак тубида  
Қолди армони чексиз.  
Урундан нафратланар,  
Тинчликдан роҳатланар.  
У ўзига аҳд қилди:  
- Мен отамни топаман!  
Барча армонларимни  
Мен ёвларга сотаман!  
Отам меҳрини туйиб,  
Мен муродга етаман!  
Умид ниҳолларида  
Порлар ёрқин келажак.  
Онасининг руҳи ҳам  
Шунда таскин топажак.  
Ўғлининг муроди деб  
Бутун дунё кезаркан.



Ҳали-ҳануз ёрининг  
Тириклигин сезаркан.  
Жумла жаҳон кезаркан,  
Бу маъюс, безовта руҳ.  
Дунёни минг айланиб,  
Ҳануз бўзлар болакай.  
Отасини топмасдан  
Ҳамон излар болакай...

## МУБОРАК БЎЛСИН

*Тўхтабой отага бағишлайман*

Қилган дуоингиз мустажоб бўлсин,  
Аллоҳ назар солган, эй пири комил.  
Қутлуғ даргоҳингиз нурларга тўлсин,  
Пайғамбар ёшингиз муборак бўлсин!

Юзингиз, қалбингиз нурларга тўлсин,  
Аллоҳим илоҳий сирларни берсин.  
Қутлуғ даргоҳингиз нурларга тўлсин,  
Пайғамбар ёшингиз муборак бўлсин!





## КУЛИНГ, ОДАМЛАР

Йиғидан не фойда, кулинг, одамлар,  
Йўқолсин юракда йиғилган дардлар.  
Ҳаётдан завқ олиб яшайлик ҳар он,  
Шунда топажакмиз бус-бутун иймон.

Кулиб қараганда кулар толе ёр,  
Қайғудан не фойда, кулинг, одамлар.  
Ҳасад кемиради юракни ҳар дам,  
Қувончдан дил яйраб яшайди одам.

Ёмонлик қолмайди қиёматга ҳам,  
Бу йўл асло элтмас саодатга ҳам.  
Диёнат йўлини тутайлик ҳар дам,  
Шунда қалбимизга бўларди малҳам.

Яхшилик қилганга минг берар Аллоҳ,  
Бошин асрагайдир балодан – паноҳ.  
Йўқолсин юракдан қайғу-аламлар,  
Йиғидан не фойда, кулинг, одамлар!



## БОҒИ ЭРАМ

Афсонавий мўъжизасан, муҳаббат нишонаси,  
Назар айлаб барпо этди, Яратган дурдонаси.  
Етти олам мўъжизаси барқ уради ичинда,  
Мажнунтоллар гул ўрайди фаришталар сочинда.

Сокин боғда турфа гуллар, мушку анбар ҳидлари,  
Гулшан аро хандон айлар, бубулнаво куйлари.  
Ҳатто кўкда ҳур малак ой шивирлар: “Гўзал бирам!”,  
Етти олам гавҳарисан, гўзал боғ – Боғи Эрам.

Беқиёссан, турфа боғлар сенга ҳавас айларо,  
Боғи Беҳишт, Боғи Шамол, гўзал Боғи Дилкушо.  
Муҳаббатнинг гавҳарисан, гўзалликлар сенда жам,  
Жаннатларнинг жавҳарисан, топинчим Боғи Эрам.



## МУНДАРИЖА

|                        |    |
|------------------------|----|
| Юрагим Ватан.....      | 3  |
| Она мадҳи.....         | 4  |
| Бувижон.....           | 5  |
| Устоз.....             | 6  |
| Муҳаббат.....          | 7  |
| Тонг.....              | 8  |
| Қайтар дунё.....       | 9  |
| Рашк не даркор? .....  | 10 |
| Тўртликлар.....        | 10 |
| Йиғлама, аёл.....      | 11 |
| Бахт.....              | 12 |
| Ҳаёт.....              | 13 |
| Ёмонлик нечун? .....   | 14 |
| Армон бўлмаса.....     | 15 |
| Гулистон (достон)..... | 16 |
| Муборак бўлсин.....    | 24 |
| Кулинг, одамлар.....   | 25 |
| Боғи Эрам.....         | 26 |

3000 сўн.

Адабий-бадий нашр

**Сожида Қўчқорова**

**Боғи Эрам**

*Шеърлар*

Муҳаррир:

**Амир Худойбердиев**

Техник муҳаррир:

**Зухра Ҳамдамова**

Мусахҳиҳ:

**Нилуфар Қўчқорова**

“Muharrir” нашриёти

Лицензия: АЛ № 230. 2012 йил 16 ноябр

Теришга берилди: 11.03.2013.

Босишга рухсат этилди: 21.03.2013.

Бичими: 84x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма. Times New  
RomanUzbek гарнитураси.

Босма табағи: 1,75. Адади: 600.

Буюртма: 44.

Баҳоси келишилган нархда.

“Muharrir” нашриёти матбаа бўлимида чоп  
этилди.

100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.

E-mail: Muharrir@list.ru